



**ТАСДИКЛАЙМАН**

**ИВБКТМ** рахбари

А. Рахманов

Етказиб берувчи ташкилотни танлаб олиш учун

## **ТАНЛАШ ХУЖЖАТЛАРИ**

Танлаш хужжатларининг мазмуни:

- I. Танлаш иштирокчилари учун йурикнома**
- II. Техник кисм**
- III. Нархлар кисми**

### **I. ТАНЛАШ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙУРИҚНОМА**

#### **ТАНЛАШ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ КИЙМАТИ**

**1. Танлаш предмети: Наманган вилоят болалар куп тармокли тиббиёт маркази учун керак буладиган мебел жихозлари.**

1.2. Танлаш киймати: **Наманган вилоят болалар куп тармокли тиббиёт маркази учун керак буладиган мебел жихозлари** етказиб бериш киймати 681 585 000 (Олти юз саксон бир миллион беш юз саксон беш минг) сумни ташкил этади. Ушбу кийматдан ортик кийматдаги таклифлар кабул килинмайди ва куриб чикилмайди.

1.3. Ишларни бажариш муддати:

Шартнома имзолангандан сунг 35 иш куни давомида буюртмачи томонидан курсатилган манзилларга тулик етказиб беришни таъминлаш.

1.4. Ишларни бошлаш муддати шартнома Газначилик булимида руйхатдан утказилгандан сунг томонларнинг келишувига асосан 35 кун муддат ичида етказиб берилиши шарт. (бунда: об-х,аво ёки шунга ухшаш холатлар урганилади).

2.1. Наманган вилоят болалар куп тармокли тиббиёт маркази (бундан кейин-“Буюртмачи” деб аталади) - танлаш ташкилотчиси хисобланади.

“Буюртмачи” манзили: Наманган вилояти Наманган шаҳар Давлатобод тумани Элобод МФЙ Улугбек кучаси 4 уй.

2.2. Танлаш “Буюртмачи” томонидан танлаш утказиш буйича тузилган Харид комиссияси томонидан утказилади.

## **2.ТАНЛАШ ИШТИРОКЧИЛАРИ**

2. Танлашда мулкчилик шаклидан катъий назар шу мазмунда товар ва хизматлар курсатишга ихтисослашган, тажрибага эга булган барча юридик макомга эга булган ташкилотлар ҳамда жисмоний шахс (якка тартибдаги тадбиркорлар)лар иштирок этиши мумкин.

**3. Танлашда иштирок этиши учун талабгорларга куйидаги малакавий талаблар куйилади:**

Иштирокчи корхонанинг гувоҳнома, Низоми (устав), мавжуд сертификат лицензия ва умумий маълумотлари;

Иштирокчи корхонанинг тугатиш ёки банкротлик арафасида турмаганлиги, мол-мулки мусодарага олинмаганлиги , ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-ҳуқуқий ёки бир-бирига молиявий қарамлиги мавжуд бўлмаганлиги тугрисида

Иштирокчи корхонанинг солиқ ва банкдан ҳамда мажбурий туловлардан қарзи йуклиги ва ноҳалол иштирокчилар реестрида мавжуд эмаслиги тугрисида маълумот

Охириги 3 йил давомида шу соҳада бажарилган ишлар буйича ортирилган тажрибаси

Иштирокчи корхонанинг доимий ишчи ходимлари ва уларнинг электрон меҳнат дафтарчалари, ишчи ходимларнинг ҳаёти сугурталанганлиги тугрисида маълумотлар.

Иштирокчи корхонанинг асбоб ускуналари ҳақида маълумот

Етказиб берилган махсулотлар учун қафолат хати.

4. Агар танлаш предмети булган товар ва хизматларни бажариш билан боғлиқ фаолият қонунчилиқка биноан лицензиялаштириши зарур булса,

танлашда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофик тегишли лицензияга эга булган талабгорларга рухсат этилади.

5. куйидаги талабгорларга танлаш жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди:

кайта ташкил этилиш (ажратилиши, кушилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар; мол-мулки мусодара килинганлар, хдмда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошка шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-хукукий ёки бир бирига молиявий карамлиги мавжудлар.

### **3.ТАНЛАШДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ ТАКДИМ ЭТИШ**

1.5. Иштирокчилар уз таклифларини электрон куринишда (**etender.uzex.uz**) порталига электрон танлашлар утказиш учун жойлаштириши лозим.

1.6 Танлаш учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва хужжатлар, маълумотлар “Буюртмачи” ва “Иштирокчи” ихтиёрига кура узбек ёки рус тилида такдим этилиши мумкин.

1.7 танлаш хужжатларида куйидагилар такдим этилиши лозим:

2.3. Техник кисм, “Буюртмачи” томонидан куйилган техник талабларни ва етказиб бериладиган махсулотлар курсатилиши керак;

2.4. Нархлар кисми, танлаш шартларида белгиланган нархлар доирасида, махсулотларни етказиб бериш муддатлари, туловлар тартиби ва якуний туловлар ва бошка боглик курсаткичлар курсатилган булиши керак.

1.8 куйидаги хужжатлар тулик булиши талаб этилади:

Техник ва нархлар буйича куйидаги таклифлар:

2.5. Техник хужжатлар руйхати (брошюралар, техник паспорлар ёки ухшаш хужжатлар руйхати илова килинади);

2.6. Нархлар таклифи ва нархлар буйича жадвал тулдирилиши ва илова килиниши лозим.

1.9 Танлаш иштирокчиси:

-факат битта таклиф бериши мумкин;

- такдим этилаётган хужжатларнинг хакикийлиги ва маълумотларнинг хакконийлигига тулик жавобгар булади;

- таклифлар бериш муддати тугагунга кадар уз таклифларини кайтариб олиш ёки узгартириш киритиш хукукига эга.

### **4.ТАКЛИФЛАРНИ ТАВДИМ ЭТИШ МУДДАТИНИ УЗАЙТИРИШ**

6. Таклифлар муддатини узайтирилиши факат харид комиссияси йигилиши карори асосида амалга оширилади.

7. Танлаш муддатини узайтириш тугрисидаги карор махсус ахборот порталида жойлаштирилиши лозим.

## **5. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ**

1.10 Давлат харидлари тугрисидаги қонун талабларини бузган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар буладилар

1.11 Харид комиссияси давлат харидлари буйича қонунчиликда белгиланган тартибда голиб иштирокчиларни аниклаш ва асосланган қарор қабул қилиш буйича мажбурдир.

1.12 Танлаш иштирокчиси тақдим этилган барча ҳужжатларни ҳақиқийлиги ва тугрилига жавобгардир. Голиб иштирокчи деб топилгандан сунг қонунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан урнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

## **7. БОШҚА ШАРТЛАР**

2.7. Давлат буюртмачиси танлаш ҳужжатларига узгартишлар киритиш тугрисида танлашда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан қаида уч кун олдин қарор қабул қилишга ҳақли. Товари (ишни, хизмати) узгартиришга йул қуйилмайди. Бунда ушбу танлашда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлаш ҳужжатларига узгартишлар киритилган санадан эътиборан қаида уч кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вақтда, агар эълонда қурсатилган ахборот узгартирилган булса, танлаш утқазиш тугрисидаги эълонга узгартишлар киритилади.

2.8. Танлаш иштирокчиси танлаш ҳужжатлари қоидаларини танлаш утқазиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига суров юборишга ҳақли. Суров келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичида давлат буюртмачиси, агар мазкур суров давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан қаида икки кун олдин келиб тушган булса, ушбу суровга белгиланган шаклда жавоб юбориши шарт. Танлаш ҳужжатларининг қоидаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмун-моҳиятини узгартирмаслиги керак.

2.9. Таклифларни қуриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси харид комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланади ҳамда ундан олинган қучирма у имзоланган кундан эътиборан уч иш куни ичида махсус ахборот порталида эълон қилинади.

2.10. Танлашнинг исталган иштирокчиси таклифларни қуриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси эълон қилинганидан сунг давлат буюртмачисига танлаш натижаларига доир тушунтиришларни тақдим этиш тугрисида суров юборишга ҳақли. Давлат буюртмачиси бундай суров келиб тушган санадан эътиборан уч иш куни ичида танлаш иштирокчисига тегишли тушунтиришларни тақдим этиши шарт.

- Танлаш натижалари буйича шартнома танлаш ҳужжатларида ва узи билан шартнома тузилаётган танлаш иштирокчиси томонидан берилган таклифда қурсатилган шартлар асосида тузилади.